


“TASDIQLAYMAN”



2022-yil 16-may

Tanlov savdolarini o'tkazuvchi xarid komissiyasining davlat xaridlarining elektron portaliga e'lon qilingan 76703-sonli lot bo'yicha Yoshlarga biznes bilan shug'ullanish orqali daromad topish hamda ularga bunday faoliyatni yo'lga qo'yishning amaliy jihatlarini o'rgatishga qaratilgan “Kouching” video materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish uchun o'tkazilgan yig'ilish BAYONI

2022-yil 16-may

Toshkent shahar

Yoshlar ishlari agentligi direktorining 2021-yil 19-iyuldaggi 01-10/152-son buyrug'iga asosan Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparatida tashkil etilgan xarid komissiya quyidagi a'zolari ishtirok etdi:

Xarid komissiyasi raisi:

J.Xodjayev Yoshlar ishlari agentligi direktorining o'rinosi;

Komissiya a'zolari:

A.Xalikov Yuridik byuro boshlig'i;

O.Ravshanov Korrupsiyaga qarshi komplaens nazorat va ichki audit xizmati boshlig'i;

D.Ubaydullayev Moliya-iqtisod boshqarmasi boshlig'i;

A.Muminov Inson resurslarini boshqarish bo'limi bosh boshlig'i;

F.Ablayarov Yoshlar bandligini ta'minlash va tadbirdorlikni rivojlantirish boshqarmasi boshlig'i

M.Tabibullayev Ishlar boshqarmasi boshlig'i

Komissiya kotibi:

A.Gulamov Ishlar boshqarmasi bosh mutaxassis.

KUN TARTIBI:

Yoshlar ishlari agentligi direktorining 2022-yil 13-apreldagi 01-10/89-son “Davlat ijtimoiy buyurtmasini ajratish to'g'risida”gi buyrug'iga asosan Yoshlarga biznes bilanshug'ullanish orqali daromad topish hamda ularga bunday faoliyatni yo'lga qo'yishning amaliy jihatlarini o'rgatishga qaratilgan “Kouching” video materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish bo'yicha tanlov g'olibini aniqlash.

*(J.Xodjayev, A.Xalikov, O.Ravshanov, D.Ubaydullayev, A.Muminov,
F.Ablayarov, M.Tabibullayev)*

Komissiya raisi kvorum mavjudligi inobatga olib kun tartibini ochish taklifini kiritdi va ovozga qo'ydi.

Ovozga qo'vish:

Komissiya a'zolari tomonidan taklif bir ovozdan ma'qullandi.

Komissiya raisi 2022-yil 13-apreldagi 01-10/89-son "Davlat ijtimoiy buyurtmasini ajratish to'g'risida"gi buyrug'iga asosan Yoshlarga biznes bilanshug'ullanish orqali daromad topish hamda ularga bunday faoliyatni yo'lga qo'yishning amaliy jihatlarini o'rgatishga qaratilgan "Kouching" video materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish olish belgilanganligini ma'lum qildi.

Shundan so'ng, komissiya raisi so'z navbatini komissiya kotibi A.Gulamovga berdi.

Komissiya kotibi komissiya a'zolarini tanlov savdolarini o'tkazish tartibi bilan tanishtirib, Yoshlar ishlari agentligining Yoshlarga biznes bilanshug'ullanish orqali daromad topish hamda ularga bunday faoliyatni yo'lga qo'yishning amaliy jihatlarini o'rgatishga qaratilgan "Kouching" video materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish to'g'risidagi e'lon bo'yicha tanlov natijalari 2022-yil 11-mayda maxsus axborot portali etender.uzex.uz saytida 2022-yil 27-apreldagi 76703-son lotida elektron shakl (pdf) da shakllanganligini eslatib o'tdi.

2022-yil 11-13-may kunlari maxsus axborot portali etender.uzex.uz saytida joylashtirilgan bayon bo'yicha taklif va shikoyatlar kelib tushmadi.

Shundan so'ng, Komissiya raisi 2022-yil 27-apreldagi 76703-son lotida 2022-yil 11-may kuni bo'lib o'tgan tanlov g'olibini tasdiqlash masalasini ovozga qo'ydi.

Ovozga qo'yish natijalariga muvofiq xarid komissiyasi

QAROR QILADI:

1. Yoshlar ishlari agentligining Yoshlarga biznes bilanshug'ullanish orqali daromad topish hamda ularga bunday faoliyatni yo'lga qo'yishning amaliy jihatlarini o'rgatishga qaratilgan "Kouching" video materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish bo'yicha 2022-yil 27-apreldagi 76703-son lotida 2022-yil 11-may kuni bo'lib o'tgan tanlov jarayoni yakunlangan deb hisoblansin.

2. Yoshlar ishlari agentligining Yoshlarga biznes bilanshug'ullanish orqali daromad topish hamda ularga bunday faoliyatni yo'lga qo'yishning amaliy jihatlarini o'rgatishga qaratilgan "Kouching" video materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish bo'yicha "**Yoshlar kelajagimiz jamg'armasi**" NNT 850 000 000 (Sakkiz yuz ellik million) so'm taklifi bilan tanlov g'olib deb topilsin.

3. Yoshlar ishlari agentligiga tanlov g'olib bilan tanlov savdolari shartlari asosida shartnoma tuzish tavsiya etilsin.

Xarid komissiyasi a'zolari:

A.Xalikov

O.Ravshanov

D.Ubaydullayev



A.Muminov


F.Ablayarov

M.Tabibullayev

Bayonni yuritdi

3

A.Gulamov

Ёшларга бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишининг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “Коучинг” видео материалларни тайёрлаш бўйича
24-сонли ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

2022 йил “16” май

Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юриталади) номидан Низом асосида иш юритувчи, ижро этувчи директори А.Саъдулаев бир томондан ва “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси (қўйида матнда “Ижрочи” деб юритилади) номидан Устав асосида иш юритувчи, директори Х.Саттаров иккинчи томондан, Ёшларга бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишининг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “Коучинг” видео материалларни тайёрлаш (кейинги ўринларда – Лойиха деб юритилади) ишлари бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

1. Шартнома предмети

1.1. “Ижрочи” мазкур шартноманинг 1-иловасига мувофиқ техник ишлар бўйича “Коучинг” видео материалларни тайёрлаш ишларини бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” эса хизматларни қабул қилиб олиш ва бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган ҳизмат турлари учун тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Шартноманинг умумий қиймати (*Ганлов комиссиясининг 2022 йил 11 маёдаги 76703-сон баённомасига асосан*) 850 000 000 (саккиз юз эллик миллион) сўмни ташкил этади.

2. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

2.1. “Буюртмачи” “Ижрочи”га:

шартнома бўйича лойиха қийматининг 30 фоизи 255 000 000 (икки юз эллик беш миллион) сўм микдорида маблағни олдиндан ўтказиб беради;

шартноманинг 1-иловаси бўйича ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг лойиха қийматининг қолган 70 фоизи 595 000 000 (беш юз тўқсон беш миллион) сўмни 10 (үн) иш кун ичida амалга оширади.

2.2. Тўлов “Буюртмачи” томонидан давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ишларни бажариш муддати

3.1. “Ижрочи” ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича “Коучинг” видео материалларни тайёрлаш ишларини бажариш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб мазкур шартноманинг 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.

4. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

4.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қучга киради.

4.2. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

5. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. “Ижрочи”нинг хуқуклари:

5.1.1. Шартнома ҳақини тўлашни талаб қилиш.

5.1.2. Шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни талаб қилиш.

5.1.3. Лойихага оид таклифлар бериш ва “Буюртмачи”дан якуний қарорларни талаб қилиш.

5.1.4. “Коучинг” видео материалларни яратиш доирасида юзага келадиган мажбуриятларни ўз кучи ва/ёки ташки манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва х.к) жалб қилган ҳолда амалга ошириш.

5.2. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

5.2.1. Ижрочи мазкур шартнома шартларини сўзсиз бажаради.

5.2.2. Мазкур шартноманинг 1-иловада кўзда тутилган иш ҳажмларини ўз вактида тўлиқ ва сифатли қилиб бажариши ҳамда бажарилган ишларни ҳисоб-фактурасида кўрсатиши лозим.

5.2.3. Шартнома тасдиқланган иловага мувофиқ видео материалларни белгиланган

вактда тўлиқ ва сифатли топширади.

5.2.4. Барча ишларни мазкур шартномада ва унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўз кучи ва/ёки ташки манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва х.к) жалб килиб белгиланган стандартларга амал килган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

5.2.5. “Буюртмачи”нинг талабига мувофиқ бажарилган ишлар юзасидан хисобфактурасини “Буюртмачи”га тақдим қиласди.

5.2.6. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни барчасини бажаришни ўз зиммасига олади.

5.2.7. Ижрочи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи ва/ёки ташки манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва х.к) жалб қилган ҳолда бажарилиши юзасидан “Буюртмачи” олдида мулкий жавобгар ҳисобланади.

5.2.8. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул килинган иш ҳажмларида арифметик хато ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгаришишлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

5.2.9. Ижрочи мазкур шартномада кўрсатилган ишларнинг барча ҳажмини ўз кучи ёки ташки манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва х.к) жалб қилган ҳолда бажаради.

5.3. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

5.3.1. Ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

5.3.2. Шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни талаб қилиш;

5.3.3. Шартномада кўрсатилган муддатда лойихани топширишни талаб қилиш.

5.4. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

5.4.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1-иловасида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун “Ижрочи”га ҳақ тўлаш;

5.4.2. Лойихадаги хато камчиликларни улар вужудга келган пайтдан ўн кун ичida “Ижрочи”га ёзма равишда маълум қилиш;

6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аник муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.2. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб колса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳакида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналлишларини ойдинлаштирувчи масалаларни қўриб чикишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган мажбуриятлар юклатилади.

6.3. Ўзаро хисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳакидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.4. Бажарилган ишлар (босқичлар)да асосли камчилик ва нуқсонлар аниқланганда “Ижрочи” уларни бегараз бартараф этади.

7. Лойиха бўйича муаллифлик ҳуқуқлари

7.1. Мазкур шартнома бўйича иш жараёнида ҳосил бўлган лойиҳанинг муаллифлик ҳуқуқи ва ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

7.2. Лойиха “Буюртмачи”га сотиш ва лойиҳани қўпайтириш ҳуқуқи билан топширилади.

8. Тарафларнинг жавобгарлиги

8.1. “Буюртмачи” лойиҳани қабул қилиб олган кундан бошлаб 10 (ўн) календар куни мобайнида лойиҳадаги семантик, орфографик ва грамматик хатоларни, носоз гиперхаволалар, юкламаётган расмлар ва бошқа хатоликлар мавжудлигини текшириб чиқиши ва камчилик ёки хатолик топилган тақдирда “Ижрочи”га хабар бериши лозим.

8.2. “Ижрочи” лойиҳадаги аниқланган хатоликларни ўз хисобидан 10 (ўн) иш куни мобайнида бартараф этиши шарт.

8.3. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, “Буюртмачи”

томонидан берилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди. Пеня тўланиши “Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

8.4. “Ижрочи” лойиҳани ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди.

8.5. “Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди. Пеня тўлаш “Ижрочи”ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

8.6. Агар бажарилган ишлар ушбу шартномианинг 1-иловасига мувофиқ бўлмаса, “Буюртмачи” “Ижрочи”дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 15 фоизи микдорида жарима ундириш ҳукукига эга.

8.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.8. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

9. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор)

9.1. Агар томонлар мажбуриятни қисман ёки тўла ижро этмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошка бартараф этиб бўлмайдиган бошка кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай колгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

9.3. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари З ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиши учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

10. Низоларни ҳал этиш тартиби

10.1. Шартнома тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек, келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган баҳслар ўзаро муҳокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, конунчиликда бегиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқлади.

11. Коррупцияга қарши шарт

11.1. Томонлар:

Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартномада бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатсизликларни содир етмайдилар;

Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошка томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакилларини қандайdir тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совгаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайdir хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга каратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

11.2. Томонлар ушбу Шартноманинг 11.1-бандидаги талабларни бузиб содир етганлиги ёки содир етилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақида иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон

Республикаси конун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни хам хабардор килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш хамда бекор килиш тартиби

12.1. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равища расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда хақиқий хисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни коплаш шарти билан йўл кўйилади.

12.3. “Ижрочи”нинг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб колса ва ишларнинг тутатилиши шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилса, берилган топширикда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, “Буюртмачи” шартномани бекор килишга ҳақли.

12.4. “Ижрочи”га боғлик бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ошик муддатга тўхтатилса, “Буюртмачи” лойихалаш ишларнинг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, “Ижрочи” шартномани бекор килишга ҳақли.

12.5. Шартномани бекор килиш ҳақида карорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгacha эътиroz билдирмаса шартнома бекор килинган хисобланади.

13. Шартноманинг алоҳида шартлари

13.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

13.2. “Ижрочи” лойихани “Буюртмачи”нинг ёзма руҳсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқукига эга бўлмайди.

13.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

13.4. “Буюртмачи” билан “Ижрочи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш оркали ёзма равища тасдиқлашлари керак.

13.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

13.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“БУЮРТМАЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати
100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 11Б
«Марказий банк» Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси ИФУТ 84111,
МФО 00014, СТИР 207 323 290
ХС 23 402 000 300 100 001 010
Молия вазирлиги газначилиги
амалиёт бошқармаси
Фазна ХС 23 402 000 300 100 001 010
“Марказий банк” Тошкент ш. Бошқармаси
МФО 00014
СТИР 207 280 505
А.З.Сайдуллаев



“ИЖРОЧИ”

“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси
Манзил: 100097, Тошкент шаҳар,
Катортол кўчаси, 60Б-уй
ТИФ “Миллий банк” Бош амалиёт
филиали
МФО: 00407
Х/р: 2021 2000 6009 0195 9001
СТИР: 207 280 505
ИФУТ: 66300
Тел.: +99871-231-13-35



2022 йыл “13” майдагы
№24-сони шартномага
1-илюва

**“Коучинг” видеоматериаллар тайёллаш бүйича мавзулар
РҮЙХАТИ**

| Т/р | Мавзуу номи | Микдори | Нархи | Давомийлиги | Тренерлар* |
|-----|---|---------|------------|-------------|-------------------------|
| 1. | “Сотув бўлумини тўғри ташкил килиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ҳасан Мамасаидов |
| 2. | “Самарали савдо тизимини йўлга кўйиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ҳусан Мамасаидов |
| 3. | “Маркетинг. Инсонга йўналтирилган Маркетинг” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Муҳаммад Али Эшонкулов |
| 4. | “Халкаро бозорга чика оладиган бизнесни кандай яратиш мумкин?” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Айвар Абдукаюмов |
| 5. | “Экспорт: чет элдан мижоз топиш йўллари” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Муҳаммад Бобур Абдулаев |
| 6. | “Узок муддатли стратегия тузиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Улугбек Ҳожиахмедов |
| 7. | “Нима учун “PR” керак?” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Нигора Акилова |
| 8. | “PR”нинг сотув ва компания брендини мустаҳкамлашдаги ўрии | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Нигора Акилова |
| 9. | “Кучли жамоа тузиш ва лидер раҳбарлар тайёллаш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Мурат Азамов |
| 10. | “Минимал маркетинг бюджети билан максимал савдени ошириш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ҳасан Мамасаидов |
| 11. | “Бренд куриш ва унинг усуллари” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Шархуҳ Низамутдинов |
| 12. | “Бизнесни замонавий технологиялар оркали ривожлантириш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Бобир Акилханов |
| 13. | “Шерикчиликдаги фойда ва зарар” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Қозимхон Тўраев |
| 14. | “Савдо бўлумини тўғри ташкил килиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ҳасан Мамасаидов |
| 15. | “Бизнес жараёнларини автоматлаштириш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Лазиз Адҳамов |
| 16. | “Маркетинг бюджетини тузиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ҳабибулло Сайдуллоев |
| 17. | “Маркетинг стратегиясини тўғри белтилаш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Азиз Гаппаров |
| 18. | “Онлайн маркетингда минимал реклама бюджети билан максимал натижага эришиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Азиз Гаппаров |
| 19. | “Даромадни оширишда маркетингни б инструменти” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Нигора Акилова |

| | | | | | |
|-----|--|------------|------------|-----------------|------------------------------------|
| 20. | “Нетворкинг таниш-билишчилик санъати” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Сардор Мухаммадалиев |
| 21. | “Рекламасиз маҳсулот савдосини ошириш (Дистрибуция)” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Хайрулло Шокиров |
| 22. | “Замонавий менежмент инструментлари” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Алишер Рустамов |
| 23. | “Экспорт ва Инвестиция жалб килиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Муҳтор Умаров |
| 24. | “Савдони оширувчи маркетинг” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Нигора Ақилова |
| 25. | “Бизнесни самарали бошқарыш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ибраҳим Гулямов |
| 26. | “Мижоз онгига кириб бориш усувлари” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Оғабек Шараев |
| 27. | “Рекламада маҳаллий кадриятларнинг ўрни” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ҳабибулло Сайдуллоев |
| 28. | “Савдони ошириш учун SRM тизимини жорий килиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ибраҳим Гулямов |
| 29. | “Үсисш инкирози, бизнес жараёйлари ва кадрлар тузилмасини тизимлаштириш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Аҳмад Мелибаев |
| 30. | “Бизнесда маглубиятларни ўрганиш ва хулоса килиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ҳасан Мамасаидов |
| 31. | “Бизнесга акционерлик жамияти орқали пул жалб килиш йўллари” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Фарҳод Икромов |
| 32. | “Кадриялгарга асосланган HR ва лидерлик 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Козимхон Тўраев | |
| 33. | “Бизнеснинг кучли ва кучсиз нукталарини аниклаш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ҳусан Мамасаидов |
| 34. | “Бизнес жараёйларини гузиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ибраҳим Гулямов |
| 35. | “Шерикчиликдаги консалтлар. Ислом молияси” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Козимхон Тўраев |
| 36. | “Бизнесни масштаблаштириш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Зафар Хашимов |
| 37. | “Бизнесда соликлар – кўпилтган киймат солиги” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Мурод Мухаммаджонов |
| 38. | “Бизнес скелти ва моделларини тузиш. Маркетинг” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ибраҳим Гулямов |
| 39. | “Онгостидан блокларни очиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Эшонкулов Муҳаммадали Олимжон ўғли |
| 40. | “Исломий молия асослари ва бизнесла барака омилилари” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Козимхон Тўраев |
| 41. | “Гадбиркорларнинг долзарб муаммоси” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Умиджон Ишмуҳаммедов |
| 42. | “Ишлаб чиқариш ва сотувдаги хатолар” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Ибраҳим Гулямов |
| 43. | “Хизмат кўрсатиш жараёйларини яратиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Шуҳрат Холтаев |
| 44. | “Ракобатда ўсиш учун бизнеснинг асосий тахлиллари” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Умиджон Ишмуҳаммедов |

| | | | | | |
|--------------|---|----------------|--------------------|------------|--------------------|
| 45. | “Савдоны режалаштириш ва прогнозлаш. Савдо каналлари ва нархларни белгилеш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Акмал Насрилинов |
| 46. | “Бизнесни бир неча баробар ўстириш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Санжар Максудов |
| 47. | “Бизнесда молия технологияларидан фойдаланиш” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Абдулазиз Сагтаров |
| 48. | “Ўзбекистон бозорида истемолчи психологияси (нейромаркетинг)” | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Азиз Юсуфов |
| 49. | “SWOT” анализ оркали савдоны ошириш стратегияси | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Хуссан Мамасаидов |
| 50. | “КРГ” ва ходимларни тўғри рагбатлантириш | 1 дона | 17 000 000 | 1-1,5 соат | Алишер Исаев |
| Жами: | | 50 дона | 850 000 000 | | |

* Зарур хуяларда “Буортмачи” ва “Ижрочи” ўзаро кептигуни асосида тренерлар таркибига ўзгартириши киритилиши мумкин.

Ёшлар ишлари агентлиги
директори

А.З.Сальдулаев

“Yoshlar – kelajagimiz” жамгармаси
директори

Х.Ф.Сагтаров



2022 йил “16” майдаги
№24-сонли шартномага
2-илюва

**“Коучинг” видеоматериаллар тайёрлаш
ГРАФИГИ**

| T/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириши механизми | Муддати (сана, ой, йил / оралик) |
|-----|---|---|--|
| 1. | Муваффакиятга эришган тажрибали тадбиркорлардан иборат спикерлар жамоасини шакллантириш. | 1. Спикерлар билан музокаралар олиб бориш 2. Спикерлар билан видеодарсларни тасвирга олиш вақти ва жойини келишиш | 2022 йил 15-17-май |
| 2. | Видеодарсларни тасвирга олиш бўйича тайёргарлик жараёнларини амалга ошириш | 1. Тасвирга олиш майдонларини жихозлаш 2. Зарур техник жихозларни тайёрлаш | 2022 йил 15-17-май |
| 3. | Видеодарсларни тасвирга олиш | Барча зарур техник чораларни кўрган ҳолда тасвирга олиш ишларини олиб бориш | 2022 йил 15-30-май |
| 4. | Видеодарсларни монтаж килиш | Юқори технологиялар ёрдамида юқори сифатли монтаж ишларини бажариш. | 2022 йил 15-май 5-июнь |
| 5. | Видеодарсларни тасвирга олиш ва монтаж ишларини тўлиқ якунига етказиш ҳамда тайёр “Коучинг” видеодарсларни буюртмачига топшириш | 1. Видеоматериалларни тайёр ҳолга келтириш, кўрикдан ўтказиш 2. Видеоматериалларни буюртмачи талаблари асосида топшириш. | 2022 йил 5-10-июнь |

Ёнлар ишлари агентлиги
директори

А.З.Сайдуллаев



“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси
директори

Х.Ф.Саттаров

